

“Hududgazta’minot” акциядорлик жамияти
Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
4-сон баённомасидан
Кўчирма

2026 йил 10 март
соат 15:00

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Муқимий
кўчаси, 98-уй

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 26 454 506 527 дона.

Мазкур акциядорлар умумий йиғилишида қатнашаётган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони — 26 454 506 527 дона.

Йиғилишда овоз берувчи акциялар эгаларининг ишончнома асосидаги вакиллари тўлиқ иштирок этиб **кворум 100,0%**ни ташкил этди.

КУН ТАРТИБИ

4. Кузатув кенгашини янги таркибини сайлаш.

КУН ТАРТИБИДАГИ ТЎРТИНЧИ МАСАЛА ЮЗАСИДАН:

Қонунининг 59-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган.

Кузатув кенгаши аъзолари ташаббуси билан кенгаш аъзоси Б. Джураев котиблигида 2026 йил 16 февралда кузатув кенгаши мажлиси ўтказилган бўлиб, ушбу баённомада Жамиятнинг амалдаги кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ва янги таркибни сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Унга кўра кузатув кенгашининг янги таркибига У. Эгамбердиев, П. Ледников, Б. Маматкаримов, А. Василюк, В. Лаврементев, Фатма Утан, Чарлз Валчесчини номзодлари таклиф этилган.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармаси” АЖнинг ишончли бошқарувчиси ҳисобланган “Franklin Templeton Assets Management” МЧЖнинг 2026 йил 12 февралдаги хатида “Hududgazta’minot” АЖ Кузатув кенгашининг амалдаги аъзолари М. Мирзаев, Б. Джураев, Ў. Муҳаммадиев, Н. Нуриддиноваларнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш ва уларнинг ўрнига У.У. Эгамбердиев, П.И. Ледников, А.А. Василюк, В. Лаврементев номзодларини сайлаш таклиф этилган.

Жамият акциядори “Franklin Templeton Asset Management” МЧЖнинг 2026 йил 12 февралдаги ОУТ/ФТ/013/2026-сон хатига асосан кузатув кенгашининг янги таркиби учун жами 4 нафар номзодлар берилган бўлиб шундан 1 нафари мустақил аъзо ҳисобланади.

Жамиятнинг 2026 йилга мўлжалланган бизнес режасида амалдаги 2 нафар мустақил аъзолар учун __ АҚШ доллар миқдорида маблағ ажриш харажатлари кўзда тутилган бўлиб, Жамиятнинг Молия ва иқтисодиёт бошқармасининг таклифига кўра мустақил аъзолар сони 3 нафар бўлиш эҳтимолини инобатга олиб бизнес режада белгиланган харажатлар режасидан чиқмаган ҳолда ҳар бир мустақил аъзо учун __ АҚШ доллари миқдорида мукофот пули белгилаш таклифи билдирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг ҳар бири учун йиллик мукофот __АҚШ доллари миқдорида белгилаш таклиф этилади.

Кун тартибидаги масала акциядорлар вакиллари томонидан муҳокама қилиниб қўйидагилар овозга қўйилди:

4.1. Жамият Кузатув кенгашининг қўйидаги аъзолари М.М. Мирзаев, Ў.Ш. Муҳаммадиев, Б.Э.Джураев, Н.Н.Нуритдиноваларнинг ваколатлари муддатидан илгари бекор қилиш;

4.2. Жамият кузатув кенгаши таркибига У.У. Эгамбердиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ходими, П.И. Ледников “UzAssets инвестиция компанияси” Акциядорлик жамияти ходими, А.А. Василюк “Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси” Акциядорлик жамиятининг ишончли бошқарувчиси “Franklin Templeton Asset Management” МЧЖ менеджери, ва 1 нафар мустақил аъзо сифатида В. Лаврентев Waterfalls Software компанияси ҳамасосчиси номзодларини сайлаш;

Овоз бериш натижалари:

“Ёқлаб” – 26 454 506 527 овоз,

“Қарши” — 0 овоз,

“Бетараф” — 0 овоз.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

4.1. Жамият кузатув кенгашининг амалдаги аъзолари М.М. Мирзаев, Ў.Ш. Муҳаммадиев, Б.Э.Джураев, Н.Н.Нуритдиноваларнинг ваколатлари муддатидан илгари бекор қилинсин;

4.2. Жамият кузатув кенгаши таркибига У.У. Эгамбердиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ходими, П.И. Ледников “UzAssets инвестиция компанияси” Акциядорлик жамияти ходими, А.А. Василюк “Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси” Акциядорлик жамиятининг ишончли бошқарувчиси “Franklin Templeton Asset Management” МЧЖ менеджери, ва 1 нафар мустақил аъзо сифатида В. Лаврентев “Waterfalls Software” компанияси ҳам-асосчиси номзодлари сайлансин.

Йиғилиш котиби



Ж. Бозоров

Баённома имзоланган сана

2026 йил 24 март.